*Ёзувчи ва замон*

Саъдулла СИЁЕВ

# АРЧА СУВИНИ ИЧГАН ОДАМЛАР

Бир қаламкаш сифатида қирқ йил Ўзбекистонимизнинг шаҳру қишлоқларини беармон кездим. Бормаган туманим қолмади ҳисоб. Мен саратонда сел кечиб, қаҳратонда қор кечиб юрган жонфидо халқимнинг узлуксиз меҳнатини, унинг чашма сувидек тиниқ ва беғубор қалбини кўрсатишга уриндим. Баҳоли қудрат деганидек, турли ҳажм, турли жанрда ўнлаб нарсалар ёздим. Бу ишни нечоғли уддаладим — ҳакам ўзингиз, муҳтарам ўқувчим.

Кейинги пайтда тоғларга ишқим тушди. Ўйлаб қарасам, олис тоғлар қўйнида яшаётган қора кўзлар олдида қарзимиз кўп экан. Биз, ижод аҳли улар ҳақида ёлчитиб яхши асарлар ёзолмадик, кинофилмлар яратолмадик, телевидениеда ҳам бадиий баркамол кўрсатувлар қилолмадик. Ҳолбуки, тоғликларнинг ўзига хос, бетакрор ҳаёти, фолклори, этнографияси, амалий санъати, хуллас, ички тийнатию ташқи зийнати достонларга муносиб.

Бир шоир дўстимдан сўрадим:

— Мана, сиз ёр васфида "Сочинг сунбул" дебсиз. Сунбулани кўрганмисиз ўзи?

— Йўқ, — деб кулди ошнам, — энди, бу классик образда.

— Мен ҳам илгари кўрмагандим. Сунбуланинг пошшоси Сангардакда экан.

— Сангардак?

— Ҳа, Сариосиёда Сангардак деган дарё бор. Дарёнинг бошига чиқсангиз, Сунбултоғни кўрасиз. Лобар қизларнинг кокилларидек қулоч-қулоч сунбула сувга чўмиб тоғдан пастга эниб ётибди.

— Бир бориш керак, — деди шоир дўстим энтикиб.

Шаҳрисабз томонларда шаршарани сувтушар дейдилар. Ўрта Осиёдаги энг узун сувтушар айни Шаҳрисабз туманида, Ҳисарак сув омборининг тепасида, Оқдарё бўйида. У 85 метр баландликдан ҳайбат ила отилиб турибди. Атроф ёввойи гулистон. Юз хил гиёҳнинг ҳиди қўшилиб, димоғингизни ёраман дейди. Ўзи тўкилиб ётган мевали дарахтларда чаҳчаҳлаб булбул сайрайди, минг йиллик азамат чинорлар уйқуга чўмган. Шаршара атрофида ўн дақиқа турсангиз, ўпкангиз кислородга тўлиб, бошингиз оғрийди. Қанийди бу ерда наинки ўзимизнинг одамлар, балки чет эллик меҳмонлар ҳам дам оладиган оромгоҳлар барпо этилса, деб орзу қиласиз. "Ниятингиз яхшию аммо маблағ қани?" дерсиз. Тўғри, лекин излаган имкон топади. Нафсиламрини айтганда, ҳозирча бу муаммо устида ҳеч ким бош қотиргани йўқ.

Сўнгги бир йил ичида Сурхон ва Қашқадарё воҳаларидаги ўнлаб тоғ қишлоқларини ораладим: Хонжизза, Деҳибодом, Чош, Вандоб, Майданак, Ғилон... Арча кўмирида қайнатилган чой ичдим, тут шиннисини тотиб кўрдим, кайвони момолардан термалар эшитдим, чанқовуз тингладим, халқнинг дарди дилига қулоқ тутдим. Томоша истасанг тоққа бор, дейдилар. Мен тоғликларнинг ҳаётига томошаталаб сайёҳ эмас, бир ватандош бўлиб назар солгим келди.

Талабалик йилларимизда қулоғимизга бир гап ўрнашиб қолган эди. Ғилон парилар макони эмиш. У ерда парилардан тарқалган қизлар яшар эмиш. Ғилонликлар четдан келин олмас, четга ҳам қиз узатмас эмиш. Негаки, парилар билан оддий одамларнинг никоҳи яхшиликка олиб бормас экан...

Албатта, бу гапнинг муболаға эканлигини билардик. Аммо, минг эшитгандан бир кўрган яхши, деган нақл ҳам бор. Ўша афсонавий Ғилон сайру саёҳати неча йил тинчлик бермади. Ниҳоят, дийдор фурсати ҳам етиб келди. Шаҳрисабзлик шифокор дўстимиз Улаш Ярашев бизга Ғилонни кўрсатадиган бўлди. У ғилонлик Раббим Ҳакимов деган ошнаси билан гаплашиб қўйибди. Саратоннинг иссиғида йўлга тушдик.

Шаҳрисабздан кун чиқар тарафга қараб ўттиз чақиримча юрсангиз, Ҳисарак сувомбори келади. Унинг чап қирғоғидан йўл торайиб тоққа ўрлайди. Шофёримиз қорача, қотма йигит. Юз-кўзи юнон афсоналаридаги машҳур қаҳрамонларни эслатади. Мана, ярим соатча бўляпти, у чурқ этиб оғиз очмайди. Рулни маҳкам чангаллаганча индамай келяпти, ниҳоят, мен гап қўзғадим:

— Дўхтир, Раббим яхши йигит экану фақат... индамас экан. Йўлбошловчи деган у ёқ-бу ёқни таништириб кетмайдими?

Улаш мени қувватлади:

— Эркин Воҳидовнинг бир шеъри бор. Тилни гапга уста қилма, қўлни ишга уста қил, дейди. Бу йигитнинг тили эмас, қўли ишлайди.

Раббим бизга қиё боқиб қўйди.

— Нима дейман. Ғилонга кетяпмиз.

— Қаранг! Биз Бухорога кетяпмиз, деб ўйлабмиз.

Учаламиз кулиб юбордик. Шундан кейин гапимиз сал қовушди. Раббим ўсмирлик ёшидан бери машина миниб, мана шу тоғ йўлидан қатнар экан. Бу қадим, қалтис йўлнинг ҳар қаричини беш бармоғидай биларкан. Ўзи тадбиркор, унинг устига қишлокда номи чиққан уста. Машина минадиган зот борки, унинг эшигини тўздиради. Қишнинг қорли-қировли кунлари келиб, шаҳар қатнови тўхтаганда у ошпазлик қилади. Қишлокдагиларнинг тўй-маъракасида палов дамлаб, олқиш олади.

— Хуллас, бу йигитнинг ҳунари кўп, — деди Улаш ва Раббимнинг елкасига қоқди, — бошқа ҳунарингизни ҳам айтаверайми ё тавба қилдингизми?

— Тавба қилдик, — деб илжайди Раббим, — акам бўласиз-ку?

Яккахона, Бешбек, Сарчашма қишлоқларидан ўтиб боряпмиз. Тош деворли ҳовлилар, бир-бирига қапиштириб солинган лойтомли, пастак уйлар. Тоғликлар қишда иссиқ бўлсин, қаттиқ шамоллардан асрасин, деб уйларининг томини пастроқ қилиб ёпадилар.

Жинкўчада ола чопон кийиб, кўксалла ўраган отахон кўринди. У катта кўк эшакни етаклаб олибди. Эшакда бўш хуржун, эгарда беш-олти ёшлардаги болакай. Бўш хуржунга қараганда, отахон бирор нарса харид қилгани дўконгами, бозоргами кетаётганга ўхшайди.

— Ўзи ҳам миниб олса бўлмайдими, — дедим, — эшак иккаласини кўтарарди.

Раббим жавоб қилди:

— Бизнинг халқни биласиз-ку, домла. Ҳали суяги қотмаган ёш бола, деб набирасини миндириб қўйибди.

Кўҳна ривоят эсимга тушди. Бир мўйсафид эшак миниб гузардан ўтаверибди. Ёнбошида кичкина невараси чопқиллаб келаётган экан. Буни кўриб гузардагилар ғийбат қилибди:

— Қариб қуйилмаган чол! Муштдай болани сангиллатиб қўйганча орқангга мингаштириб олсанг ўласанми?

Оқсоқол неварасини мингаштириб иккинчи гузардан ўта бошлабди. Одамлар тағин гап қилибди:

— Ноинсоф! Бир куррага икковлашиб миниб олибди. Белини синдиради-ку!

Чол эшакка неварасини миндириб, ўзи пиёда бўлиб олибди. Бироқ учинчи гузарда яна маломатга қолибди:

— Жинжалокдай бола яёв юрса оёғи синадими? Пишиллаб ер эмаклаганча ўзинг мин эшакни!

— Яхши ривоят экан, — деди Раббим, — агар мен ўлмай ўша отахоннинг ёшига етсам, набирамни миндириб эшакни етаклаб юраман. Одамлар нима деса деяверсин.

Мен энди қирқ ёшни қоралаган бу камсуқум, мулоҳазали йигитнинг кўнглига мўралагандек бўлдим.

Мунаввар булоқ деган жойдан ўтганимиздан кейин эрка шабада совуқ шамолга айланди.

— Бу ёғи энди Ғилон, — деди Улаш. Биз азамат тоғлар қўйнига кириб борардик. Ҳув олис чўққиларда супрадек бўлиб оппоқ қор ялтирайди, қир-адирлар тўла ёввойи дарахтлар. Яна бироздан кейин кўзингизни яшнатиб, кўнгилга ғулув соладиган манзара бошланди. Тоғ маликалари — ям-яшил арчалар кўринди. Сой лабидан тоғ белигача арча, арча, арча...

Кези келди, арчани фақат янги йил байрамларидагина кўрадиган ҳамшаҳарларимга арчанинг хислатлари ҳақида икки оғиз гапириб беришни лозим топдим.

Арча тоғ аҳлининг азалий ҳамроҳи, дўсти, нажоткори. Тоғликлар иморат солса, томини арча билан ёпадилар. Чунки арча ёғочини қурт емайди. Момолар исириқ ўрнига гоҳо арча шохини тутатадилар. Тоғда бешик арчадан ясалади, бундай бешикда бола яхши ухлайди. Арчадан мушки анбар иси келади, шунинг учун қизлар арча сувига соч ювадилар. Бурунги замонларда арча чўпидан мисвок — тиш кавлагич тайёрлаб, олис ўлкаларга элтганлар. Қирқ хил дардга даво мўмиёи асл ҳам арча томирларида ҳосил бўлар экан. Ва, ниҳоят, гўзал ривоят: арча ошини ошаб, умрини яшаб бўлгандан сўнг айрим хашаки дарахтларга ўхшаб ириб-чириб ётишни ўзига муносиб кўрмас эмиш. У бир кечада ёниб, арши аълога учиб кетар эмиш. Бу арчанинг илоҳий поклигидан, инсон каби мағрурлигидан нишона бўлса ажаб эмас.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилди. Раҳматли шоиримиз Туроб Тўла айтганларидек, "Бир ажойиб юртимиз бор, ярми саҳро, ярми боғ". Деярли барча вилоятларда мафтункор тоғларимиз ҳам савлат тўкиб турибди. Бу тоғларда дўланадан бодомгача, ёнғоқдан зардолигача экиб кўкартириш мумкин. Арчани ҳам кўпайтириш лозим. Бунинг имкони бор. Сариосиё, Денов, Шеробод, Қамаши, Паркент туманларидаги тоғ қишлоқларини кезиб, бунга амин бўлдик.

Йўлимизга қайтайлик.

Раббим катта бир сайхонликда тўхтади ва "Ана, Ғилон", деб пастга ишора қилди. Рўпарада боғ-роғларга кўмилган дўппидек қишлоқ мудраб ётарди. Уч тарафи баланд тоғлар билан ўралган. Оқ томли уйлар элас-элас кўзга чалинади. Боғлар устидан суюқ тутун чиқиб осмонга ўрлайди.

Ҳаш-паш дегунча манзилга етдик.

— Бу эски Ғилон, — деди Улаш, — уни пиёда юриб томоша қилиш керак.

Шағал тўкиб шиббаланган текис, тор йўлдан гузарга қараб бораяпмиз. Тоғ шароитига мослаб солинган мўъжазгина болохонали уйлар. Кўча четида кета-кетгунча ёғоч тарнов. Ундан шарқираб тиниқ сув оқиб турибди. Ғилонликлар қишлоқ чеккасидаги чашмаи шир — Сутбулокдан сув ичар экан. Шунинг учун бу сунъий водопроводга ҳеч ким идиш-товоқ ювмайди, хас-хашак тугул чўп ҳам ташламайди.

Нариги кўчада қизил нимча кийиб дурра ўраган бўйсира қизлар, енги узун кўйлакли аёллар кўринди. Ҳаммасининг қўлларида супурги. Ялангоёқ болалар ёғоч пақир — қовғада сув ташиб кўчага сепади, опаларию эналари ҳафсала билан ер супуради.

— Бугун шанбаликка ўхшайди, — дейман соддалик билан. Раббим битта болакайнинг бошини силаб қўйиб дейди:

— Бизда ҳар куни шанбалик. Кунига уч маҳал ҳовли билан кўчани супуриб туриш одат бўлиб қолган. Уйинг тоза,кўнглинг тоза, тўғрими?

Дарҳақиқат, биз Ғилонда икки кун бўлиб, на бирор ерда чиқинди уюмини, сигир подасидан қолган чиқитни, на бузуқ- ёриқ чалдеворни кўрдик. Худди тўй арафасидек ҳамма ёқ саранжом-саришта. Мабодо бирор хонадоннинг эшик олди ифлос бўлса, "Иби, фалончи кўчиб кетганми?" деб ажабланишар экан.

Қишлоқ оралаган сари ажиб манзараларга дуч келаверасиз. Масалан, бир ҳовлида ёшгина келинчак ҳарсиллаб куви пишади. Айвондаги чамбаракка суткосалар илинган. Катта дарвоза олдида башанг кийинган бир йигит қўлтелефонда шаҳар билан гаплашаяпти. Кўча юзидаги узун, пастак деворга қатор қилиб таппи ёпилибди. Япасқи, лойсувоқ томлар устида кумуш қозондек параболик антенналар ярқираб турибди, гўё ўтмиш билан келажак қўл ушлашиб кетаётгандек...

Ажойиб удумларимиз бор-да! "Меҳмон — атойи худо" деган нақл баайни тоғ қишлоқларида тўқилгандек. "Раббимникига шаҳардан меҳмон келибди" деган гап тарқалган шекилли, уйни одам босди. Хуш кўрдик, дея кириб келишяпти, кириб келишяпти:

— Мана бу қизил юзли полвон акамиз бош инженер Барот Қурбоналиев бўладилар. Мана бу новчароқ, чаққонроқ тоғам Ғилон ҳокими Ғафуржон, буниси мактаб директори Рўзибой Қурбонов домла...

Оқшом қўнди. Пориллаб чироқлар ёнди. Раббимнинг телевизори Ўзбекистон билан хорижий мамлакат дастурларини баравар кўрсата бошлади.

Гурунгимиз алламаҳалгача давом этди.

Ғилонликларнинг бугунги аҳволи руҳиятини равшанроқ тасаввур этгандек бўлдик. Ғилон "Оқдарё" ширкат хўжалигининг бир шўъбаси экан. Ширкатда Ғилонга ўхшаган яна ўн беш қишлоқ бор. Лекин Ғилонга етадигани йўқ. Биз биламизки, Олтиариқ бодринги билан, Дашнобод анори билан, Хатирчи майизи билан машҳур. Ғилон эса, картошкаси билан донг чиқарган. Сирти силлиқ, ўзи йирик ва мазали картошка Ғилонда битади. Шунинг учун унинг харидори кўп. Куз келди дегунча Ғилон кўчалари турли-туман юк машиналарига тўлиб кетади. Картошка қишлоқ аҳлининг асосий даромад манбаи. Бу ерда картошка экмайдиган хонадон йўқ ҳисоби. Оилавий пудратдагилар йилига ўн тоннагача ҳосил олади. Бир қисми ширкатга, бир қисми ўзларига. Бундан ташқари, чорва бор, ғалла, боғ бор. Шунинг учун ғилонликларнинг қозони кунига икки марта қайнайди, йигитларининг тагида машина ёки мотоцикл. Қишлоқ йиғини раиси Ғафуржон Қурбонов бир гапни айтиб бизни лол қолдирди: қишлокда мингдан ошиқ машина билан мотоцикл бор эмиш.

— Йўғ-э, мана шу дўппидек қишлоқда-я? — дедик ишонқирамай.

— Ҳа, — деди Ғафуржон, — мана шу дўппидек қишлоқда мингдан ортиқ хўжалик бор. Ҳар уйга биттадан машина ё мотоцикл тўғри келади. Машинали одам кўпроқ. Тоғ йўлларига фақат "Нива" билан "УАЗ" чидайди. Бошқа машина уч ойга етмай тўкилиб кетади.

Гап орасида кимдир "Бизнинг одамлар тош устида нон ундиради", деб қолди. Боядан бери суҳбатга аралашмай жим ўтирган Барот Қурбоналиев изоҳ берди:

Ғилонда суғориладиган ер кам. Борлари ҳам пудратчиларга тақсимлаб берилган. Шунинг учун кўпчилик қирларда деҳқончилик қилишади. Эртага борсангиз кўрасиз, у ерларга трактор чиқолмайди. Ерни ё омочда ҳайдаш керак, ё кетмонда ағдариш керак. Унинг устига муштдай-муштдай тош. Бу укамнинг тош устида нон дегани шу.

— Сув масаласи қандай?

— Қийин. Тоғдан келадиган бир қулоқ сувни навбат билан суғоришади. Э, ишқилиб, меҳнат-да, домла! Лекин меҳнат қилса кам бўлаётгани йўқ. Айрим хонадонлар йилига бир миллион сўмгача даромад қилади.

Ғилонда битта ўрта мактаб бор. Бу йил қишлоқ аҳли мактабнинг 70 йиллигини ўтказмоқчи. Лекин директор Рўзибой Қурбонов хижолат.

— Синфхоналарга бола сиғмай кетди, — деди у бизга амал-тақал таъмирланган хоналарни кўрсатиб, — 1200 ўқувчи бор. Ҳар синфда 35-40тагача бола ўқийди. Бунақада таълимнинг сифати бўладими?

Эни икки, бўйи тўрт қадамча келадиган хонага кирдик. Бу ерда мактаб директори, илмий бўлим мудири, яна бир ходим ўтирган экан. Рўзибой ўз кабинетини синфга бўшатиб берибди.

— Қишлокда минг уй бор экан, — дедик, — ҳар уй минг сўмдан берганда ҳам...

— Ҳалиям ота-оналарнинг кўмаги, ширкат хўжалигининг мадади билан ишлаб турибмиз. Бўлмаса, билмадим, нима бўларди...

— Тумандан ёрдам йўқми?

— Бор, — деб Рўзибой синиқ илжайди, — кейинги беш йилда 18 кило мойбўёқ, учта ёзув тахтаси олдик. Янги мактаб қуриб берамиз, деб ваъда қилишган. Ваъданинг вафосини кутяпмиз...

Қишлоқ касалхонаси мактабнинг тамом тескариси экан. У баланд, баҳаво ерда жойлашган. Солинганига ўн йилдан ошганига қарамай, янгидек ярқираб турибди. Ҳовли саранжом. Гир атроф гулу гулзор. Ёш новдаларда маржондек тар мевалар товланади. Йўлкалар текис, асфалт. Бош врач Сайфиддин Қурбоналиев аввалига андак довдиради.

— Комиссия келавераб бездириб қўйган шекилли, дўхтир?

Врач ростига кўчди:

— Комиссия уришгани келади. Ёрдам берса экан.

Касалхонада ўнтача палата бор. Бир йўла йигирмага яқин киши даволаниши мумкин. Сайфиддин болалар дўхтири, лекин ўрни келса, тиш ҳам суғуради, яра-чақани ҳам тузатади, жарроҳлик ҳам қилаверади.

Ҳозир ғилонлик икки йигит тиббиёт институтида ўқиётган экан. Сайфиддин умидвор бўлиб деди:

— Улар битириб келса, ёнимизга киради.

—Шаҳарда қолиб кетмай Ғилонга қайтишига ишонасизми?

— Ишонаман, — деди Сайфиддин, — Ғилоннинг сувини ичган, албатта, Ғилонга қайтиб келади.

Сафаримиз қариди. Биз заҳматкаш, оққўнгил бир эл макон тутган бу маъсум қишлоқ билан хўшлашиб ортимизга қайтаяпмиз. Раббим кўча оғзида тўхтаб кимнидир кутди.

— Бирор қария чиқса дуосини олиб кетайлик.

Ён эшикда ҳасса тутган чол кўринди. Раббимни кўриб гапга тушунди шекилли, дуога қўл очди. "Роҳи сафед!" деб оқ йўл тилади. Бу тарафларда мўйсафидларнинг фотиҳасини олмай олис йўлга отланмас эканлар.

"Тош устида нон" ундириб умргузаронлик қилаётган ғилонликларга биз ҳам ичимизда оқ йўл тиладик.




**Бадиий академиямиз нашри бўлган "San'at" журналининг навбатдаги сони босмадан чиқди. Бу сон дунё тарихи ва маданиятида муҳим ўрин эгаллаган Шаҳрисабзнинг 2700 йиллигига бағишланган.**

"Санъат тарихи" рукни остида таниқли қадимшунос олим Рустам Сулаймоновнинг "Марказий Осиёдаги ибтидоий давр санъатига оид янги ёдгорликлар", Анатолий Саъдуллаевнинг "Гау Сўғд — Наутака — Кеш", Зафар Ҳакимовнинг "Зумрад шаҳарнинг меъморий ёдгорликлари", Элмира Гулнинг "Шаҳрисабз кашталари" сингари мақолалари берилган.

*Журналларни варақлаганда...*

Лайло Жўраеванинг "Ижод қилиш ўзини намоён этишдир", Дилмурод Пўлатовнинг "Ҳайкалтарош Равшан Миртожиев", Рафаэл Тоқтошнинг "Журъат Раҳмоний", Саида Илҳомованинг "Композициядаги тасвир жилолари" номли мақолаларида замонавий бадиий жараён борасида фикр юритилади. "Мусиқа ва театр" рукнида Элдор Мухторовнинг Қарши шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Эски мачит" театр томошалари, Наргис Тошпўлатованинг "Турфа анъаналарнинг ёркин ришталари", Олга Николскаянинг "Композитор Мирсодиқ Тожиев" номли мақолалари билан танишишингиз мумкин.

"Янги номлар" рукни эса сизни Заур Мансуров ва Абдужаббор Нозилов ижоди билан таништиради. Шу билан бирга, республикамизда 2001 йил 23 декабрдан — 2002 йил 10 январгача ўтган барча кўргазмалар ҳақида маълумот ҳам олишингиз мумкин.

Мазкур мақолаларда Қашқадарё вилоятининг қадимги давр маданияти, тасвирий ва амалий санъатининг турли қирралари, замонавий фольклор санъати, рассомлар ва бошқа ўлка рассомларининг бу воҳага атаб ишлаган асарлари таҳлил этилган ва рангли суратларда ўз аксини топган.

# УСТОЗ ХОТИРАСИ

17 сентябр куни Тошкентдаги Абдулла Қаҳҳор уй-музейи атоқли адибнинг дўстлари ва шогирдлари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, адабиёт мухлислари билан гавжум бўлди. Яқинда Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган таниқли адабиётшунос олимимиз Озод Шарафиддинов хотира кечасини бошлаётиб, машҳур адибнинг ҳаётий ва ижодий принциплари, инсоний фазилатлари, айниқса ёш ижодкорларга эътибори, зарур бўлган ҳолларда уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ва ҳимоя қилишга тайёр турганлиги ҳақида сўзлади. Абдулла ака истеъдодли ёшларнинг асарларини шунчаки ўқиб қўя қолмас, айни чоғда уларга мактублар ҳам битиб, ютуқларини айтар, камчиликларини холис кўрсатиб устозлик қиларди, деди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаётлик чоғида кечган суҳбатларни эсга олар экан, ёзувчининг юбилей кечасида сўзланган машҳур нутқ билан боғлиқ тафсилотлар ҳақида сўзлади.

— Устознинг ёш ижодкорларга, айниқса Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби истеъдоди эрта намоён бўлган шоирларимизга меҳри бўлакча эди, — деди ўз сўзида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров. — Уларнинг ижодини изчил кузатиб борар, руҳланар эди. Буни қарангки, устоз севган шогирдларининг тўрттаси бугун бадиий ижод соҳасида Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди. Шунинг ўзи ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг узоқни кўра олган, истеъдодлар камолотини олдиндан сезган буюк қалб эгаси бўлганини кўрсатади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, профессор Шобот Хўжаев, Ҳафиз Абдусаматов, шунингдек, бошқа ижодкорлар Абдулла Қаҳҳор ва адибнинг турмуш ўртоғи, таниқли таржимон Кибриё Қаҳҳорова ҳақидаги хотиралардан сўзлаб, уларнинг руҳларини шод этдилар.

Хотира кечасида Жиззах ва Самарқанд шаҳарларидан келган олимлар, адибнинг шогирдлари ва мухлислари ҳам иштирок этдилар.

# МЕҲРИБОН МУРАББИЙ ВА ОЛИМ

*Қутлаймиз!*



Қорақалпоқ театри ҳақида бирон маълумот зарур бўлиб қолганда, одатда Тешабой Баяндиевга мурожаат этилади. Сабаби, санъатшунослик доктори Т.Баяндиев бой анъаналарга эга қорақалпоқ саҳна санъати тарихини мукаммал ва чуқур тадқиқ этган мутахассислардан биридир.

Т.Баяндиев Маннон Уйғур номидаги санъат институти театршунослик бўлимини битиргач, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат филармонияси бадиий раҳбари сифатида иш бошлади. Бир умр қорақалпоқ санъатининг мафтуни бўлиб қолди. Тошкентга қайтгач, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида илмий ходим, сўнг аспирант бўлар экан, илмий изланишларини айнан қорақалпоқ театри тарихини ўрганишга қаратди. 1965 йили "К.С.Станиславский номидаги қорақалпоқ театри" мавзуида кандидатлик диссертациясини ёқлади. 1994 йили эса "Замонавий қорақалпоқ театри" (режиссура ва актёрлик санъати муаммолари) мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ўтган йиллар давомида у "Шарқ юлдузи", "Гулистон", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Амударё", "Театр" каби газета ва журналларда қорақалпоқ ва ўзбек театри ҳақида кўплаб мақола ва тақризлар эълон қилди. Шунингдек, "Мария Кузнецова" (1963), "Замира Ҳидоятова" (1973), "Қорақалпоқ театри 50 ёшда" (1977), "Қуатбой Абдурейимов" (1987), "Рейимбой Сейитов" (1992), "Мамажон Раҳмонов" (1995) каби рисолалари чоп этилди. Т.Баяндиевга 1977 йили "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими", 1981 йили эса "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" унвонлари берилди.

Унинг таржима соҳасидаги фаолияти ҳам эътиборли: қорақалпоқчадан ўзбек тилига ва ўзбекчадан қорақалпоқ тилига ўгирган С.Хўжаниёзовнинг "Севмаганга суйканма", П.Тлегеновнинг "Етти миллион умр", Ш.Бошбековнинг "Темир хотин", Ё.Шукуровнинг "Прокурор" асарлари узоқ йиллар давомида ўзбек ва қорақалпоқ театри репертуарларини безаб келди.

Истиқлол даври театри ҳаётини тадқиқ ва тарғиб этишда алоҳида фаоллик кўрсатган. Т. Баяндиев "Ўзбекистон санъати" (1991 — 2001), "Мустақиллик ва маънавият" (2001) тўпламларида долзарб мавзуда ёзилган мақолалари билан иштирок этди. У айни чоғда Ўзбекистон театр ижодкорлари уюшмаси қошидаги театр танқидчилиги шўъбасини раҳбари ва Муқимий номидаги театр бадиий кенгашининг аъзосидир.

Т. Баяндиев меҳнат фаолиятининг катта қисми Маннон Уйғур номидаги Санъат институти билан боғлиқ. Кўп йиллар декан, ўқув ишлари бўйича проректор бўлиб ишлади. Ҳозир телевидение ва овоз режиссёрлиги кафедрасининг мудири, профессор лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

Театр санъати учун мутахассислар етиштиришдаги кўп йиллик самарали меҳнати учун устоз ва мураббий Т.Баяндиев Республикамиз Президентининг Фармонига кўра шу йил "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвони билан тақдирланди.

Ўзининг қутлуғ етмиш ёшини нишонлаётган Тешабой Баяндиевга ижодий ва илмий фаолиятида муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

С. ТУРСУНБОЕВ

## ЯНГИ МАВСУМ

Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри янги мавсумни япон ёзувчиси Озуиндзи Киноситонинг "Турна патлари" романтик эртаги билан бошлади. Асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Олимжон Салимов саҳналаштирган.

Театр бу мавсумда Италия элчихонаси билан ҳамкорликда драматург Карло Гоццининг "Қирол Буғу", Германия билан ҳамкорликда "Пикник" ҳамда Тоҳир Маликнинг "Дискотека" пиесаларини саҳналаштиради.

Театр жамоаси 1 — 11 сентябр кунлари Миср Араб Республикасида ўтган анъанавий халқаро экспериментал театрлар фестивалида бўлиб қайтди. Сафар таассуротлари ҳақида театр режиссёри Олимжон Салимов шундай деди:

— Фестивалда бу йил элликка яқин давлат театрлари қатнашди. Бизнинг театримиз "Боз масхарабоз" овозсиз саҳна асарини намойиш этди. Унда Ўзбекистоннинг Миср Араб Республикасидаги элчиси, Миср маданият вазири ва бошқа нуфузли ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар. "Боз масхарабоз" асари Германияда ва бошқа халқаро театр фестивалларида ҳам муваффақиятли намойиш этилган.

## САНЪАТ ФИДОЙИЛАРИ

Муқимий номидаги мусиқий театрда "Ўзбектеатр" бирлашмаси, Р.Қориев номидаги республика Актёрлар уйи ҳамда Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамкорликда "Қарияларни қадрлаш йили"га бағишлаб "Санъатга бахшида умр" деб номланган бадиий-мусиқали тадбир ўтказди.

Санъат фидойилари — Ўзбекистон халқ артисти Файзулла Аҳмедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Убайдулла Мадраҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Валентина Ульянова ҳамда санъат фахрийси Райҳон Тўраева кечанинг фахрий меҳмонлари бўлдилар. Шогирдлар ва мухлислар уларга катта эҳтиром кўрсатдилар. Машҳур санъаткорлар эса ўз куй-қўшиқлари билан қутладилар. Кеча сўнгида фахрийлар сўзга чиқиб, ўз дил сўзларини изҳор этишди.

Беҳзод МАМАДИЕВ

# ИЗЛАНИБ ТОЛИҚҚАНГА НЕ ЕТСИН!

*Рассом устахонасида*

Нодиранинг касби биолог. Ҳозир у илмий иш билан машғул. Диққатимни тортган жиҳати, унинг рассомликка ихлоси бўлди. Ажабланганимни сезган Нодира шундай изоҳ берди: — Ойим биолог, дадам гидромуҳандис. Биолог касбини танлашимда, уларнинг тенг ҳиссалари бор. Республика миқёсидаги олимпиадада совринли ўрин олиб, институтга имтиҳонсиз кирганман. Болалигим қумликлар бағридаги қишлоқчада ўтгани учунми, табиатга, китобларга меҳрим ўзгача эди. Бениҳоя меҳрим боисми, ҳафтада 40-50 варақли албомни тўлдириб сурат чизардим.

**— Рассом сифатида илк ижодий ишларингизни кимга кўрсатгансиз?**

— 2001 йили Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалолов Хоразмга келганида ҳаваскор ижодкорлар асарлари билан қизиққан. Мен ҳам омборхона, ертўлаларга ташлаб қўйган расмларим орасидан ўн бештасини олиб бордим. У киши менинг ижодий машқларим билан қизиқиб: "Сенда оригиналлик бор, ўқишинг керак", — дедилар.

Биласизми, ўқишни ўзим ҳам истайман. Лекин ҳозирча иккиланяпман. Мен ўзимни худди қудуқ ичидаги одамдек ҳис қиламан. Мавзулар тушларимга киради.

Ижод қилолмайдиган рассом кўчирмакаш бўлиб қолиши мумкин. Мен чизаётган пайтимда кўлам ва деталларга вақт ажратолмайман. Ўша лаҳзадаги ҳолатдан чиқиб кетишдан қўрқаман. Муҳими, чизаётганингиз манзара бўладими, натюртмортми, уларда жиддий мавзу акс этиши менга ёқади.

**— Биология соҳасини танлаганингизга ачинмайсизми?**

— Йўқ. Биологияни ўрганиш ижод қилишимга катта ёрдам берди. Масалан, рассом олманинг ташқи кўринишини чизади, унинг ранги, шаклига эътибор беради. Мен эса бошқалар кўролмаган жиҳатларни — куртакдан тортиб ҳужайраларигача амалиётчи сифатида биламан. Умумлашма асар яратиш учун оддий олманинг нимадан бошланиб, нима билан тугашини билиш зарур.

**— Кўпроқ қайси пайтларда ижод билан шуғулланасиз?**

— Баъзан қўлимга бўёқ олиб, чизаман, дея шаҳд билан қоғоз ёнига келаман. Лекин қанча ҳаракат қилмай, ҳеч нарса чизолмайман. Баъзида эса телефонда биров билан гаплашиб туриб ғалати нарсаларни чизиб қўяман. "Иерархия" (пастдан юқорига ўсиш) асарим шу тахлит дунёга келган. Уч соатда биринчи қатлами тайёр бўлган.

**— Мен шундай тушундимки, ҳеч ким қўлингиздан тутиб "чиз" демаган бўлса, демак, чизишга сизда ички эҳтиёж бўлган. Мана шу жараённи оддий сўзлар билан тушунтириб бера оласизми?**



— Йилда бир келадиган бу даврни уйқудан уйғонган чоғимдек ҳис қиламан. "Вой, бошланяпти", — дейман ўшанда. Дунё кўзимга бошқача кўринади, юрагим ҳам бошқача ура бошлайди, кимдир уни кафтида ушлаб тургандай бўлади. Хаёлимга фикрлар оқими урила бошлайди.

Мен бу уйғонишни қишдан кейин баҳор келишини кутгандек кутаман. Бу ҳолат ички бир эҳтиёжга айланиб қолган. Кейинроқ ўша пайтда чизганларим ўзимда ҳам ҳайрат уйғотади. Шуларни ўзим чизганлигимга ишонгим келмайди.

**— Кўргазмаларда иштирок этдингизми?**

— Жалолиддин Мангуберди портретини чизган Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Қурёзов ёрдамида Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида янги асарларимдан 30га яқини билан қатнашдим. Мутахассислар ижодий ишларим хусусида илиқ фикрлар билдиришди.

**— Қайси мавзуда илмий иш олиб бораяпсиз?**

—"Ўзбекистон шўр сув ҳавзаларидаги қисқичбақасимонлар биологияси" мавзуида илмий изланиш олиб бораяпман. Ҳар ўн кунда бир марта кўлга бораман. Бу тур қисқичбақасимонлар фақатгина кучли шўр сувларда учрайди. Негаки, шўр сув ҳавзаларида уларнинг кўпайишига тўсқинлик қиладиган ғанимлар йўқ. Дунё бўйича улар Орол денгизида мавжуд, кўпайиш учун бу ерда яхши шароит бор. Белгиялик олимлар ҳам бу соҳа билан қизиқиб қолишган...

Нодиранинг асарларига қараб, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатнинг ҳақиқий манзарасини аниқроқ ҳис этаман. Аёлнинг, ижодкор аёлнинг оғриқлари, ўтинчлари, саволларига жавоб излашга ўзимда хоҳиш сезаман. Балки, инсоннинг ўзини тушунишга, кашф этишга, излашга бўлган эҳтиёжларини, мудроқ ҳисларини уйғотиш асл санъатнинг мақсадидир.

Хоразмлик Нодира Жуманиёзова мана шундай аёл, она, илмий иш олиб бораётган ижодкор. Суҳбатимиз сўнгида " Ҳаётда ҳамма нарсага улгуриш осонмасдир," деганимда, у кулиб шундай жавоб берди: — Албатта. Баъзан, бу адоқсиз югур-югурлардан чарчаб кетаман. Лекин улар ортидан келадиган яхши кунларни ўйласам, ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Ҳеч нарса қилмай чарчагандан кўра, ижод қилиб, изланиб толиққанга нима етсин!

ШАҲРИБОНУ

## ШЕЪРИЯТ БАЙРАМИ

**Аввал хабар берганимиздек, 11 — 12 сентябр кунлари Фарғона вилоятининг Қўқон ва Фарғона шаҳарлари, Олтиариқ, Учкўприк, Данғара туманларида катта шеърият байрами бўлиб ўтди. Дала меҳнаткашлари, теримчилар, ишчилар ва талабалар ҳузурида бўлган ҳаяжонли учрашувлар ижод аҳлини янги асарлар яратишга илҳомлантирмоқда. Анжуманда иштирок этган кўплаб фарғоналик шоирлар, шеърият мухлислари ҳам ўз ижод намуналарини устозлар назаридан ўтказиб, эътироф ва олқишларга сазовор бўлдилар. Уларнинг энг пешқадам вакиллари шеърият байрами доирасида бўлиб ўтган Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг кенгайтирилган йиғинида уюшма аъзолигига қабул қилиндилар.**

**Қуйида Фарғона вилоятида яшаб, ижод қилаётган шоирларнинг шеърлари ва бухоролик Тошпўлат Аҳмаднинг адабиёт байрами таассуротлари асосида ёзган шеъри газетхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.**

**Анвар ЮНУС**

## БИР ЯШИЛ ЯПРОҚ УЗИЛСА...

* * *

Бир яшил япроқ узилса дарди кўнглимда қолур,
Ногаҳон юлдуз тўкилса гарди кўнглимда қолур,
Ки, хазон топган дарахтлар барги кўнглимда қолур,
Янграган савту наво оҳанги кўнглимда қолур,
Дилбарим, ўйнатма ханжар занги кўнглимда қолур.

Ишқ ҳаёт уммони ичра беназир дур, гавҳарим,
Шул сабаб кўнглимга келмас бўлмаса сийму зарим,
Ишқ имоним, ишқ паноҳим, ишқ суянган сарварим,
Телбаваш шаббодаларга очма юз гулу тарим,
Бошима ағёрлар отган санги кўнглимда қолур.

Ям-яшил очун табаррук гул берур булбулга роз,
Бағрида чақмоқ туғилса келди осмондин овоз,
Севги кимга бахт берибдур, кимга бермиш эҳтирос,
Солди-ку кўнглимга армон қора зулфинг сарвиноз,
Кипригинг-ла кипригимнинг жанги кўнглимда қолур.

Анваро, ошиқ эмассан жон-жаҳонинг куймаса,
Қилма даъвои муҳаббат, устихонинг куймаса,
Ўтга киргин гар самандардек имонинг куймаса,
Ёзма ашъор ошиқона сўзда қонинг куймаса,
Умри зое лолаларнинг ранги кўнглимда қолур...

* * *

Жон, Ватан, мадҳингни куйлай, кўтариб бош устина,
Толъеинг тождур муносиб кўкда қуёш устина.

Сен Чину Румдек қадимсан кўҳна очун бағрида,
Неча минг йил тарихингни ёздилар тош устина.

Келдилар заринг сўраб гоҳ, келдилар эркинг сўраб,
Сермадинг майдонда ханжар неча авбош устина.

Кенг жаҳон ичра жаҳоним, бўл ҳамиша устивор,
Эътиқод, иймон берибсан тоққа бардош устина.

Битта гавҳар донасидек шодани ким этди тарк,
Айлади саҳрони уммон ёш тўкиб ёш устина.

Ҳур, муқаддас бўлганингдан фахр этиб, дилбарларинг
Тупроғингни сурма айлаб қўйдилар қош устина.

Жон фидо шоирларинг кўп, шуҳратинг овоз этар,
Ки, яна Анвар керакму шунча нақќош устина.

* * *

Кўзларингни бир кўрарга то саҳар бедор кўзим,
Сени минг йил кўрмагандек, соғинур дийдор кўзим.

Учрадинг боғлар ичинда фасли кўклам, дилбарим,
Бир нигоҳ ташлаб юзингга бўлди нурга ёр кўзим.

Елда кетди гул ифори, кетди булбулда наво,
Не замондур, гавҳарафшон йўлларингда зор кўзим.

Дардларимдан ёнди юлдуз сочларингдек кечалар
Ойни кўрсам тўлғонурман келди деб хумор кўзим.

Кўз ичинда оразингни сақладим элдин ниҳон,
Тил-ку маҳкам тутди номинг, айлади ошкор кўзим.

Анваро, бағрим қоғоздур, хома бўлди кипригим,
Икки томчи ёш берибдур ёзғали ашъор кўзим...

## ҚОШИМГА КЕЛМИШЛАР САРВҚАД УМИДЛАР



**Мақсуда ЭГАМБЕРДИЕВА**

Ҳаловат. Кечикди соя-салқинлар,
Сақладим кўксимда зангор боғимни.
Ўртаниб суйгуси гулшода кунлар
Ой қадар ўстирган дилбошоғимни.

Қўшқўллаб тутганим шу бўм-бўш қалбга
Ғуссалар тўлдириб бермишдир фалак.
Таваккал таъмидан қақраган лабга
Жон тутган бир булоқ кетмиш бедарак.

Мен кимман? Шамоллар кафтидаги барг,
Афсонадай чайир, ўт янглиғ ювош.
Орзулар тийғин-да этолмаган тарк,
Мен кимман? Атиргул кўзидаги ёш.

Қилкўприк қилидай лафзи омонат
Шамол чорлаганда япроқ базмига,
"Мен дўстман" деганлар қилса хиёнат,
Намозшомгул солмас ишқим измига.

Денгизман. Уммонман. Пойи-пиёда
Қошимга келмишлар сарвқад умидлар.
Менга шаббодалар тутган навода
Чайқалиб-чайқалиб яйрар вужудлар.

Тушларимда куйлар Тошкент ёмғири,
Савдойи ёшликнинг тор йўлларида.

Мен — содда талаба қизларнинг бири
Унга жўр бўлмоқни этолмам удда.

Тушимда, ҳа, ўша сўлим хиёбон,
Юзларимни ёмғир ювар дамо-дам.
Ҳув, олисда хаёл кезар саргардон,
Аслида излаган бахтим бир қадам.

Борлиқ пичирлайди ненидир титраб,
Бинафша ялпизлар бўйидан сархуш.
Ёмғирли Шош қолар, қалбим зирқираб,
Кетарман, бир умр кўрмоқ учун туш.

Ёмғирда ювилиб кетар бир жуфт из,
Ўксиб-ўксиб йиғлаб, овунар само.
Билмасман, мен — содда, бир талаба қиз,
Нима бу? Бу Тошкент ёмғири нима?

... Тушларимда куйлар Тошкент ёмғири.

### ЁРИМ

Отингиз елдириб келасиз, ёрим,
Кўнглимни тўлдириб келасиз, ёрим.
Кимларни яшнатиб, яшнаб келасиз,
Кимларни сўлдириб келасиз, ёрим.

Дарвозани очиб учиб чиқарман,
Ёрим, гуноҳингиз кечиб чиқарман.

Узоқ боғлиқ турган кўнгил тулпорин
Жиловин бесабр ечиб чиқарман.

Ёрим-а, қучсангиз бир даста гулман,
Қадди-бастингизга пайваста, хилман.
Йўлингизда ҳижрон заҳрини ютган,
Ўзини унутган бир қирққокилман.

Кўзингизда ишқим савдоси борми?!
Айрилиқ азобин давоси борми?!
Бу баланд кўнглимни фидо айларга
Арзирли, ёрим-а, фидоси борми?

Ёр дедим, кўзимда ёшим шашқатор,
Ҳар томчи ёшимда сувратингиз бор.
Қийноқларга ташланг, лекин ташламанг,
Сизсиз дунёси — дор, дунёлари — дор!

Отингиз елдириб келасиз, ёрим!..

**Мақсуда ЭРГАШЕВА**

## СИЗНИ АХТАРДИМ ГЎДАК ЧОҒЛАРДАН

### ОҚШОМ

Баргида шудринг — кўз, ўйланган,
Ойнинг оқ нурига бўйланган,
Оппоқ шом... Оқ гуллар мунисдир.

Юлдузлар қаҳ-қаҳи авжида,
Юлдузлар кулгисин мавжида
Сузмоқда танҳо ой, маъюсдир.

Ойнинг бир матлаби кезмоқми?
Гулларга матлаб бўй чўзмоқми?
Юлдузлар матлаби — ёнишдир.

Бу дилдор чиройни сезмаслик,
Сезмаслик, севмаслик, ёзмаслик —
Яшамоқ бахтидан тонишдир.

* * *

Истагим: мендаги жисму жон,
Бор юрак, бор туйғу, бор имон,
Оқ қоғоз, бағрингга тўкилса.

Орзуйим: ҳисларим ҳис билан,
Куйлаган гулларим ис билан,
Дардларим дард билан ўқилса.



### ШАВКАТ РАҲМОНГА

Мен сизни ахтардим гўдак чоғлардан.
Мен сизни ахтардим хазон боғлардан.
Ахтариб-ахтариб сўнг вароқлардан
Топдим, ёнардингиз... Ёниб беомон
вароқни ҳам ёндирмоқсимон,
Гўё шеърмас, юрагингизни шартта суғуриб,
Қўйгандингиз вароқ устига, ўтга йўғириб,
Адо қилиб ҳамки юракни,
сақлардингиз мунис чечакни.

### КУЗ

Қачон кечди умримдан, не сир?
Ўлтирибман ҳайрона ҳануз.
Кетиб борар мен севган фасл,
Қайга шошар хаёлпараст куз.

Этаклари ёмғирлардан ҳўл,
Босолмасдан титроқларини,
Боғлар турар, кўринмас бир қўл
Узиб отар япроқларини.

Қайга кетди япроқларим, деб,
Новдалардан ёш тўкма, эй, боғ.
Ҳаммамизни севади бирдек
Боболарим маскани — тупроқ...



**Тошпўлат АҲМАД**

## МУШОИРА ЭТАДИ ДАВОМ

Фарғонага бораримда йўлдош бўлди
Неча шоир, неча носир дўст-ёрларим.
Бири дилдош, бири эса қўлдош бўлди,
Улар эди бовурларим, жигарларим.

Йўл бошловчи Абдуллажон Ориф эди,
Дала-қирда бизга чиқди нон-туз пешвоз.
Қалбимизга бир иштибоҳ, ғурур тўлди,
Шу боисдан кўрганларим этдим оғоз:

Пахтазорда бошланганда мушоира,
Жуманиёз устоз дарё бўлиб тошди.
Омон, Усмон турармиди четга қараб,
Улар кўнглин садолари боғлар ошди.

Ҳалимахон ибо билан, ҳаё билан
Лутф айласа, кўзин ёрди қўш чаноқлар.
Воҳ, қарангиз, Азим Суюн виқор билан
Наъра тортса, тебрандилар қир-ўтлоқлар.

Маҳмуд Тоир шеър ўқиркан, не юлдузлар
Унинг оқин дарёсига чўмилдилар.
Раҳмон Кўчқор ваъз айтганда, ёш-кексалар
Ҳиссиётнинг мавжларига кўмилдилар.

Киприк қоқиб тез-тез Мурод Абдулло ҳам,
— Дўстлар! — деди, — хирмонингиз тоғдай бўлсин!
Усмон ўғли Иброҳимжон акамиз ҳам,
Дедиларки: Иқболингиз мангу кулсин!

Ўта камтар, ўта хоксор Собир Ўнар,
Бир оғиз гап айтди холос: — Ҳорманглар, деб.

Турсун Али сўзга чиқар-чиқмас бирдан
Жавоб қайтди: Барчангиз бор бўлинглар, деб!

Эй, нимасин айтай, Тўра Сулаймоний
Бахшиёна гап айтдилар ёна-ёна:
— Жахси ошин, жомон бошин жейди бир кун,
Жахси бўлинг, жомон билан бўлманг ошна...

Сирожиддин Саййидга гал текканида
Юрак зарби Сурхонгача етди чоғи.
Матназарга, Рустамга гал етганида
Кўнгиллардан гард-ғуборлар кетди чоғи.

Фаридаю Иқбол Мирзо Ҳўқандийлар,
Гулжамолу Ориф, Ғайрат айлаб жазм
Шеър айтдилар ёниб-ёниб, қониб-қониб,
Олқиш олиб, пахтакорга айлаб таъзим.

Томошабин бўлгани йўқ Аҳмадий ҳам,
"Ассалом!", деб шеърлар айтди тўлқинланиб.
Энахону Ҳабиб, Анвар, Йўлдош оғам,
Фарғонам деб куйладилар ёлқинланиб.

Сўнг чиқиб, раисимиз кенг даврага,
Дедиларки: этак осинг бўйинларга.
Пахта теринг, тобланингиз эгатларда,
Фақат оқшом навбат шеъру ўйинларга!..

Қўқон — Фарғона — Бухоро
2002 йил, 11 — 14 сентябр

*Омон Мухторга мактуб*

# ИШҚ АҲЛИГА ТАСАННО

Дўстим Омонжон!

Сиз билан танишганимизгаям, мана, қирқ йил бўлиб қолибди.

Бизни таништирган нарса — адабиётга меҳримиз эди, сўнгра бу соҳада шуғуллана бошлаганимиздан кейин, дўстлашиб кетдик. Ишхонада ҳам, чойхонада ҳам гапимиз фақат адабиётдан, шеъриятдан бўларди. Абдулла Орипов, Маъруф Жалил, Рауф Парфи, болалар шоири марҳум Сафар Барно... Кечалари бўм-бўш кўчаларда шеър ўқиб, қўшиқ айтиб, (ҳа!) тортишиб, юрардик...

Бир-биримизнинг ёзганларимизни ўқиб, фикр айтардик, иш жойимизда бир-биримизга муҳаррирлик қилардик. Сиз радиода, мен "Шарқ юлдузи"да, нашриётда, "Шарқ юлдузи"да "Зарифа" номли ҳикоянгизни таҳрир қилганим эсингиздадир? Бошидан бироз қисқартирган эдим, сизга малол келди. "Дўстим, — дедим ўшанда, — биз бу ерда асарларнинг ихчамлаганимиз учун маош оламиз!" Сиз кулдингиз. Кейин радиода шу ҳикоянинг инсценировка нусхасини кўриб қолдим. Худди мен бошлаган жойдан бошлаган экансиз. Ўзингизга ҳам маъқул бўлибди...

Радиони эсладим. Бу даргоҳда мен кам ишладим. Лекин ҳар куни кўришардик, суҳбатлашардик.

1969 йилги пахта мавсуми эсингиздами? Декабр ойининг ўртасида Қозоғистонда пахта терганмиз. Немислардан олган мусалласни Ҳайитмат Расул ҳаммага еткизарди. Ўзи ичмасди, лекин қуйиб берарди. Қўли жуда баракали эди. Кимдир ташқарига чиқса, ҳавони сўрардик. Яхши, деса, хотиржам бўлардик, ёмон деса, аксинча... Чунки ҳавонинг очиқлиги бизга ёмон, қорми, ёмғирми ёғиши яхши эди. Жуда жонга теккан эди-да!

Мен ошқозоним туфайли Тошкентга қайтиб, шифохонага ётиб, операция қилдирганман...

Радиода сизнинг кўп умрингиз ўтган, кўп меҳнатингиз сингган.

Ўлмас Умарбеков, Неъмат Дўстхўжаев, Фарҳод Мусажонов, Бурҳон Зиёев, Маъруф Қориев, ҳақиқий булбул, Ўзбекистон халқ артисти Қодир Махсум... Бу зотлар билан мулоқот кишини маънан бойитади. Бундан ташқари, ҳар куни йўлакда Юнус Ражабийга дуч келиб, салом берардик. Гоҳида Ғафур Ғулом, Миртемир домлалар келиб қолишарди. Шундай одамларни кўрганимиздан, уларга салом берганимиздан бахтли эдик!

Ишхонадагилар билан мулоқот эса, кўпинча ишдан кейин пастда, "Баҳор" ресторанининг ёнидаги кавказча кабобхонада давом этарди.

Ишхонада, адабиёт таҳририятида кўпинча шахмат ўйнардик. Турсун Иброҳимов, Баҳодир Абдуллаев, Ғафур Аҳмедов, камина. Маъруф ака томоша қилиб, маслаҳат бериб турарди. Ўзи ўйнамасди. Иш пайтида шахмат ўйнашимиз сизга ёқмасди. Бизга очиқ бир нарса демасдингиз, аммо норозилигингиз шундоққина кўриниб турарди. Сизнинг ишга муносабатингиз ана шундай эди!

Бугун ким билади, ким билмайди, сизнинг радиодаги ишлардан бошқа, тарихга кирадиган ишингиз бор. Бу — етмишинчи йилларнинг бошида ўзингиз асос солган "Гулшан" радиожурнали. Радиожурнал — адабиёт, санъат, тарихни ўз ичига қамраб олган бир соатлик эшиттириш — бирдан ҳамманинг диққатини тортди, мухлислар шанба соат ўн бир бўлишини кутадиган бўлиб қолдилар. Сиз бу журналга материал танлаш, ёзиш жараёнида менинг ҳамкасбим Розабону билан ишлардингиз. Ижодий яқинлик ишқий яқинликка айланиб, турмуш қурдингизлар, қизингиз Юлдуз ҳам қўлига қалам олган. Қонида бор-да!

"Гулшан"га менинг ҳам алоқам бор. Бу энг нуфузли журнални тўрт киши — Темурмалик Юнусов, Насиба Иброҳимова, Насиба Эргашева ҳамда мен ўқирдик. Тўғриси, кичкина бўлса ҳам, ана шу дахлдорлигимдан фахрланаман.

Вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади. Кишилар ҳам, уларнинг ишлари ҳам. Бу — табиий ҳол. "Гулшан"га ҳам: "Журналга фалон йилда фалончи асос солган", деган бир оғиз эслатма керак, шекилли. Ҳар сонида, албатта. "Шарқ юлдузи"нинг "Гулқайчи" бўлимига Ғафур Ғулом асос солгани ёзиб қўйилмаганида кўпчилик бундан бехабар бўлган бўларди. Яхши ишларни эътироф қилиш, қайд этиб қўйиш яхши-да...

Сиз сўнгра Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бироз хизмат қилдингиз. Жуда кўп йиллардан бери "Шарқ юлдузи"дасиз. Наср бўлими мудирлигидан муҳаррирликкача етдингиз. "Шарқ юлдузи" "Қуръони карим"ни босаётган эди. 1991 йилда Москвада давлат тўнтариши юз берганида қандай ташвишга тушганингизни биламан. Охиригача чиқара олармиканмиз, деб...



Сиз ҳам кўпчилик қатори адабиётга шеър билан кириб келган эдингиз. Кейин наср билан шуғуллана бошладингиз. Ҳикоялар, кейин роман... "Йиллар шамоли"-га "Шарқ юлдузи"да ҳам, Ғафур Ғулом нашриётида ҳам ўзим муҳаррир бўлганман. Кейин ҳам анча роман ёздингиз. Романларингиз шаклан адабиётда янгилик бўлди. "Минг бир қиёфа", "Кўзгу олдидаги одам", "Тепаликдаги хароба" тезда ўқувчи назарига тушди. "Шарқ юлдузи"да "Кўзгу олдидаги одам"ни бирга кўрган эдик. Замон ва макон шартли бўлган бу асарлар ҳажман қисқа, лекин ҳақиқий янгилик эди!

Кейинчалик тарихий мавзуга қўл урдингиз. Алишер Навоийнинг ёшлигига бағишланган "Ишқ аҳли" романингизнинг ҳам қўлёзмасини ўқидим. Матёқуб Қўшжонов, Эркин Самандарлар ўқишган экан. Бу асар ҳам мен учун бутунлай янгилик эди. Сиз бадиий асар ёзиш билан бирга катта илмий-тадқиқот ҳам қилган эдингиз. Илмий тахминлар, илмий янгиликлар... жуда кўп эди! Ҳайрон қолдим! Асарнинг шакли ҳам жозибадор, кишини дарров тортиб кетарди. Шундай бўлса-да, бир-иккита мулоҳаза уйғонган эди, айтдим. Сиз қўшилиб, журналда чиққанида ўша мулоҳазаларни ҳам ҳисобга олганингизни айтгансиз.

Шу — тарихий мавзуда янги режаларингиз, бошлаб қўйган ишларингиз борлигини биламан. Уларнинг ҳам муваффақият келтиришига ишонаман.

Кўпчилик сизнинг драматургия жанрида ҳам анчагина, яхши иш қилиб қўйганингизни билмайди. Ҳақиқий ўйинга қурилиб, кишини жиддий мулоҳазага чорлайдиган бу асарлар кам саҳналаштирилди. Айниқса, "Бош масала" бугунги кунда миллий театримиз саҳнасида бўлиши керак, деб ўйлайман. Эҳтимол, қунт қилиб, бу масалага яна қайтарсиз?

Омон дўстим!

Аслида "Ишқ аҳли"ни ўқиганимдан кейин ёзиш нияти туғилган бу мактубда на у, на бошқа асарингизни таҳлил қилдим. Барчаси эмас, айримлари санаб ўтилди, холос. Аслида ният ҳам тақриз ёзиш эмас эди. Тақризни танқидчилар, адабиётшунослар ёзади. Ёзишяпти ҳам. Ниятим фақат табриклаш эди. Баҳонада ўтилган йўлга назар ташладим, қилган ишларингизнинг айримларини тилга олдим. Олтмиш йиллик довон устида шундай қилиш зарур, шекилли. Ҳам ортга назар ташланади, ҳам келажак бўйлаб кўрилади.

Бир шеърингиз бор:

**Рост — гўзал қиз, лекин кийими бир хил,**
**Эски бир либосда юраверади.**
**Ёлғон — хунук, лекин ҳар куни**
**Янги бир либосга олар бурканиб.**

**Биз гоҳ алданамиз кийимга қараб,**
**Гўзал, деб биламиз ёлғонни.**
**Хунук, деб биламиз бечора ростни,**
**Биз гоҳо шунчаки кийимга қараб.**

Сизнинг бутун ҳаётингиз Рост бўлди. Фақат Ростни Рост ёздингиз. Сизга ҳавас қилмай бўладими!

Янги Ростларингизни интиқлик билан кутиб, дўстингиз, мухлисингиз

**Машраб БОБОЕВ**

*Адабий алоқалар*

## МУШТАРАК ИНТИЛИШЛАР

"Марказий Осиё халқлари маданияти" Ассамблеясида Жанубий Корея давлатининг адабиёт вакиллари билан ижодий учрашув бўлди.

Уни Ўзбекистон халқ ёзувчиси, "Марказий Осиё халқлари маданияти" Ассамблеяси биринчи вице-президенти Одил Ёқубов очди ва бошқарди. Тадбирда газета-журналлар муҳаррирлари, телерадиокомпания ходимлари, таниқли шоир-ёзувчилар, Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси масъул ходимлари иштирок этишди.

Мулоқотда ҳар иккала халқнинг орзу-интилишлари, турмуш тарзи, меҳнаткашлиги, туйғулари муштараклиги таъкидланди, адабий ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш тадбирлари белгиланди. Ўзаро таржималар орқали бадиий ижод дурдоналаридан баҳраманд бўлиш — ҳар иккала томонни қизиқтирган масалалардан бири сифатида эътироф этилди.

Корейс халқининг таниқли шоири ва таржимони Ким Хён Цо ижодий мулоқот учун корейялик ижодкорлар номидан миннатдорлик билдириб, бундай адабий алоқалар икки халқ маданияти ривожида аҳамият касб этишига умид билдирди.




"Даврлар ҳам худди одамлар сингари бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг ҳам худди одамлар каби ўз исмлари, феъл-атворлари бор. Шу боис ҳам бир давр учун хос ва меъёр ҳисобланган воқеа-ҳодиса иккинчи бир давр учун ғалати туюлиши мумкин. Бироқ, кўпинча, унинг моҳиятини тушуниб етмаймиз-да, юзароқдаги сабабларга бош уриб ўзимизни қийнаймиз. Турли замонларда турли хил бадиий асарларга мурожаат қилишимиз ҳам аслида шу билан боғлиқ. Чунки даврлар-ла баробар инсон қизиқиш ва эҳтиёжи ҳам ўзгариб-турланиб туради. XX аср ўзбек шеъриятининг тадқиқига бағишланган Улуғбек Ҳамдамовнинг "Бадиий тафаккур тадрижи" номли монографиясининг мундарижасини қайсидир маънода муаллифнинг юқоридаги фикрлари ифодалаб турибди, десак ўринли бўлар. Зотан, ўтган аср мобайнида замонавий ўзбек шеърияти ҳар жиҳатда — ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгарди, янгиланди.

Китобнинг монография қисмида У.Ҳамидов XX аср ўзбек шеъриятини бир неча мавзуларга ажратиб кузатади. Жумладан, "Давр, шахс ва шеърият", "Лириканинг ижтимоийлашуви", "Кўнгил шеърияти" ва "Ойбек "соф лирика"сининг моҳияти ва эстетик қиммати" мавзуларидаги мақолаларда шу улкан давр шеъриятининг турли хил тузумдаги жамиятнинг ижтимоий-маиший, маданий заминда туғилгани, хилма-хил моҳият ва шаклга эга мураккаб ҳодиса эканлиги тадқиқ орқали илмий баҳоланади.

У.Ҳамдамов фаол ёш мунаққидлардан. Унинг адабий-танқидий мақолалари матбуотда тез-тез чиқиб туради. Турли вақтларда газета ва журналларда эълон қилинган бир қанча мақолалари "Бадиий тафаккур тадрижи" китобидан ўрин олган. Хусусан, "Адабиёт қандай ривожланади?", "Изтироб чекаётган "мен", "Соғлом назар" (Тасаввуф ва экзистенциализм хусусида айрим мулоҳазалар) сингари мақолаларда бугунги адабий жараённинг долзарб муаммолари қаламга олинган.

"Бадиий тафаккур тадрижи" тўплами "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан чоп этилган. Муҳаррир Абдувоҳид Ҳайит. Тақризчилар: профессорлар Н.Каримов, С.Мирвалиев.

*Доимий ҳамроҳ*



Улуғ шоирлардан бирининг иборасини ишлатиб айтадиган бўлсак, шеъриятда Ватан мавзуи, худди муҳаббат янглиғ кўп қадим мавзулардан, бироқ ҳар бир ёш истеъдод, муҳаббатни янгилаган навқирон юрак сингари, бу қутлуғ мавзуга янгича шукуҳ ва маъно бахш этади. Истеъдодли ёш шоир, Олий Адабиёт курси талабаси Ориф Ҳожининг яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриётида чоп этилган "Янги оҳанглар" номли шеърлар китобидаги қуйидаги сатрлар фикримизга далил бўла олади.

**Она Ватан! Санжоғингни санчиб юрай жиғадай,**
**Кўнгил кўшкин ғайр етолмас кундек баланд тоқига.**
**Сен ҳақингда ёзган энг зўр шеърларимни кўчирай,**
**Дафтарчамас, кўнгил билан кўзларимнинг оқига!**

Ориф Ҳожи шеърларида "умр ўтруклари"га ишонтиради, "савр" ва "қавс" манзараларида инсон ҳолатини тиниқ ва таъсирчан кўрсатади. Хуллас, ўз сўзи, кўз қараши, самимий ва жарангдор оҳангдаги мисралари билан эътиборингизни тортади. Дарвоқе, китобга ёзган сўзбошисида шоир Рустам Мусурмон мисралар жарангдорлигини шундай изоҳлайди: "Сўзларнинг бундай ўйини (яъни, Ориф Ҳожи шеърларидаги) мумтоз адабиётимизда "лафф ва нашр", "тажнис" санъатлари тарзида мавжуд. "Лаф ва нашр"да образлар йиғилади ва сочилади. "Тажнис"да шакли бир хил сўзларнинг турли маънолари фарқланади. Ориф эса сўз бирикмасидаги битта ўзакдан, ё негиздан янги сўз маънолари ясайди. Оҳанг шаклида тингловчи онгу шуурини банд этиш ва туйғулар уйғотиш — сўзнинг изоҳлаб бўлмайдиган сеҳридир. Орифнинг қофиялардаги "радиф"ларда ҳам ана шундай сеҳр бор".

"Янги оҳанглар" тўпламига Дилшод Ражаб муҳаррирлик қилган. Нашрни мусаввир М.Аъламов безаган.

Яқинда ўзбек шеърияти тарихига доир мақола ёзиб, таҳририятга олиб бордим. Мақолани ёшгина, лекин ўзига етгунча қайсар адабий ходим таҳрир қилди. У ишга шу қадар берилиб кетиптики, қўлёзманинг бирон соғ жойи қолмапти, ҳатто шоирлар саналган жойда Ғайратийнинг номини ўчириб ташлапти. Мен бунинг боисини сўрадим.

— Қўйинг, домла, бунақа шоирларни тиқиштираверманг, — деди у насиҳатомуз оҳангда.

Унинг беписандлиги ғашимни келтирди.

— "Бунақа шоир" деганингиз нимаси? Нима бўпти Ғайратийга?

— Билмагандай сўрайсиз-а, — деди адабий ходим тажанг бўлиб. — Чўлпонни қаматган одамни нечук тарғиб қилайлик?

Мен Чўлпонни Ғайратий "қаматгани"дан бехабар эдим. Ажабо, Ғайратий уни қанақа қилиб қаматганикин — устидан чақув ёзганмикин, тегишли идораларга хуфя ахборотлар юбориб турганмикин ёки шоирни фош қиладиган ёлғон-яшиқ мақола бостирганмикин?

Хаёлимдан кечаётган фикрларни пайқагандай, адабий ходим гапларини тасдиқлайдиган "далиллар"ни қалаштириб ташлади.

— Яқин ўртада ҳеч ким уни тилга олгани йўқ. Бирон газета ёки журнал унинг тўғрисида лом-мим демаяпти. Радио билан телевидение ҳам уни эсламай қўйган.

Адабий ходим сўзларни чертиб-чертиб, комил ишонч билан сўзларди. Лекин унинг "далиллари" мени қониқтирмади.

— Сиз Ғайратийни биласизми? Унинг қайси асарини ўқигансиз? Нимага асосланиб Чўлпоннинг кушандасига чиқариб қўйдингиз?

У ҳамон аввалги беписандлиги билан баҳсимизга нуқта қўйди.

— Мен унинг асарларини ўқимаганман, ўқимайман ҳам. Лекин Чўлпонга қарши шеър ёзганини биламан...

Э-э, гап бу ёқда экан-ку! Дарвоқе, 20-йилларда Ғайратий чиндан ҳам "Тузалган ўлкага" деган шеър ёзган эди. Лекин бу шеър Чўлпоннинг "Бузилган ўлкага!" деган шеърига мазмунан бутунлай тескари бўлса-да, Чўлпонни фош қилиш мақсадида ёзилган эмасди. Ғайратийда бундай мақсаднинг ўзи бўлиши ҳам мумкин эмасди, чунки у Чўлпонни ўзининг устози деб билар, унинг биронта асарини қолдирмай ўқиб борар, ундан кўп нарса ўрганарди. Чўлпон ҳам Ғайратийни ҳурмат қилар, Тошкентга келганида уни йўқлаб турар, уйида меҳмон бўлиб, ҳар хил мавзуларда гурунглашиб турарди. Чўлпон ўзаро баҳслар, қарашлардаги хилма-хиллик дўстлар ўртасидаги муносабатларга соя солмаслиги керак деб ҳисобларди. Шунинг учун Ғайратий "Тузалган ўлкага" шеърини ёзганда ундан хафа бўлиш ўрнига Чўлпон шеърни ўқиб чиқиб, таҳрир ҳам қилиб берган. Чўлпоннинг қамалишига бу шеър сабаб бўлган десак, ҳақиқатга хилоф гап бўлур эди. Ғайратий шеъри босилгандан кейин кўп йиллар ўтгачгина Чўлпон қамоққа олинган.

Лекин бу гал мени ажаблантирган нарса бошқа эди — қаршимда турган, ўзининг ҳар бир гапини ҳақ деб ишонган адабий ходим нега бу қадар юзаки ўйлайди? Ундаги мутакаббирлик, аждодларимизга, маданий меросга, кечаги кунимизга бу қадар беписандлик билан қараш қаердан пайдо бўлиб қолди? Одамларга ўйламай-нетмай, тузукроқ билмай туриб баҳо бериш, улар устидан узил-кесил ҳукм чиқариш ёшликда бўладиган, вақти-соати келганда ўтиб кетадиган шунчаки ғўрлик бўлса майли-я, аммо унинг томир-томирларига сингиб улгурган эътиқодга айланган бўлса, нима бўлади? Табиийки, мен бу ўринда кечаги кунимизни, кечаги одамларимизни ялписига мақтаб кўкларга кўтаришга даъват қилаётганим йўқ, мен фақат мулоҳазакор бўлишга, одамлар ҳақида ҳукм чиқарганда етти ўлчаб иш юритишга ундамоқдаман, холос.

Ғайратий, албатта, Ғафур Ғулом эмас, Ойбек ҳам эмас, у ҳатто Миртемир ҳам эмас. У — Ғайратий эди ва Ғайратий сифатида адабиётимизнинг тарихида ўзининг муҳим ўрнига эга. Албатта, у 74 йиллик умрида фақат равон йўллардан юрмаган бўлиши мумкин, балки адашгандир, хатолар қилгандир, бироқ унинг бўлган-бўлмаган "хатолари"ни рўкач қилиб қоралашга ошиқмайлик. Тоғлар фақат чўққилардан иборат бўлмагандай, адабиётимиз ҳам Ғайратийга ўхшаш сиймоларсиз анча кемтик бўлиб қолади.

* * *

Мен Ғайратийнинг номини илк бора мактабда ўқиб юрганимда эшитгандим. Тўғри, ҳали унинг бирорта асарини ўқимай туриб, номини эшитдим, ҳатто исми Абдураҳим, фамилияси Абдуллаев эканини, "Ғайратий" эса таҳаллуси эканини билиб олдим. Бу таҳаллус жуда жарангдор эди, гўё ундан аллақандай жўшқинлик уфуриб тургандай эди. Тан бериш керак — тўнғич авлодга мансуб ёзувчиларимиз таҳаллус танлашга анча уста бўлишган. Бироқ надоматлар бўлғайки, Ғайратий ҳақида кўпроқ нарса билишга ҳарчанд уринмай, ўша кезларда бир-иккита ғийбатномо мақоладан бошқа ҳеч нарса тополмадик. Кейинроқ аспирантурада ўзбек поэмалари ҳақида тадқиқот олиб борар эканман, 20-йилларда яратилган поэмалар билан ҳам танишиб чиқдим. Маълум бўлдики, Ғайратий 20 — 30-йилларда ўзбек шоирлари ичида энг кўп достон яратган шоир экан. Унинг "Йўқолган бола", "Онамга хат", "Жинаста" каби достонлари жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотган ва алоҳида китоб тарзида босиб ҳам чиқарилган. Лекин нима учундир кейинги йилларда унинг авжи пасайиб, матбуот саҳифаларида кам кўринадиган бўлиб қолган экан.

Тақдир тақозоси билан мен 60-йилларнинг охирида Ғайратийга ҳамсафар бўлиб қолдим-у, бу одам ҳақидаги тасаввурларим бутунлай ўзгариб кетди. Олтмишлардан ошиб қолган, ўрта бўйли, чорпахил гавдали, очиқ кўнгилли одам экани кулча юзидан билиниб турадиган Ғайратий ҳам ҳазил-мутойибага мойил, ҳам кўпни кўрган босиқ, андишали бир инсон экан. Биз

**Озод ШАРАФИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

# ҒАЙРАТИЙ ТЎҒРИСИДА СЎЗ

ўшанда Қирғизистонга оқин Тўғолоқ Мулданинг юз йиллик тўйига меҳмон бўлиб боргандик. Бишкекда, Норин вилоятида, оқин туғилиб ўсган Отбоши туманида чўпонлар овулларида беш кеча-ю беш кундуз меҳмон бўлдик, зиёфатларда ўтирдик, бирга нонушталар қилдик ва кечалари ярим кечагача уйқу ўрнига гурунглашиб чиқадиган бўлдик. Ғайратий домла ширинсуҳан, ҳикояни ўринлатиб гапирадиган одам экан. Аммо бу гурунгларимиздан аввал Бишкекка келган биринчи кунимиздаёқ Ғайратий тўғрисида аввал билмаган анча-мунча нарсани билиб олган эдим. Тўғолоқ Мулданинг тўйига ҳамма республикалардан меҳмон келган эди. Уларнинг орасида таниқли адиблар ва мунаққидлар ҳам кўп эди. Келган кунимиз меҳмонхонада Люциан Ипполитович Климович деган адабиётшуносга рўпара келдим. Унинг ислом тарихига оид китоблари бор эди. Миллий адабиётлар бўйича мажмуаси машҳур бўлиб кетганди. Мен унинг китобларини ўқиган ва ўзи билан Москвада икки-уч марта учрашган эдим. Люциан Ипполитович мен билан апил-тапил саломлашди-ю, Ғайратий билан қучоқлаша кетди.

— Ўзингмисан, Ғайратий? Бормисан, дўстим? Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди-а! Эҳ-ҳе, қанча сувлар оқиб кетди. Лекин тузуксан, ҳали ҳам ёшликдаги шижоатинг йўқолмапти!

Ғайратий ҳам илиқ гаплар айтиб, эски қадрдонининг кўнглини кўтарди.

Мен уларнинг қачон, қандай қилиб бу қадар дўстлашганларининг тагига етолмай, ҳайрон эдим. Бир-икки кундан кейин Климовичдан Ғайратий билан дўстлашиш тарихини сўрадим.

— Мен Ғайратий билан ўттиз йилча аввал танишган эдим. мен ўша пайтда миллий адабиётлар бўйича ёзмоқчи бўлган китобимга материал йиғмоқда эдим. Ғайратий эса пролетар адабиётининг атоқли намоёндаси эди. Унинг маслаҳатларидан кўп баҳраманд бўлганман.

Эртаси куни Олмаотадан улуғ қозоқ адиби Мухтор Авезов келди. У ҳам Ғайратийни яхши билар экан, ҳатто бир-бирларини сенсирашиб гаплашар эканлар. Мухтор оға Ғайратийдан ҳол-аҳвол сўрагач, Ойбек билан Ғафур Ғуломни суриштирди, ўзбек адабиётидаги янгиликлардан сўради. Уларнинг орасида қалин дўстона муносабат мавжуд экани яққол сезилиб турарди. Мен бу иноқлик тарихини суриштирдим. Маълумки, Мухтор Авезов 20-йилларда Тошкентда ўқиган ва бир неча муддат Ўрта Осиё давлат дорилфунунида дарс ҳам берган. Ўша йилларда у ўзбек ёзувчилари билан, шу жумладан, Ғайратий билан ҳам дўстлашган экан.

Қизиқ, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб бежиз айтилмаган экан-да! Ўзимизнинг юртимизда жуда камсуқум, камтар бўлиб юрган Ғайратий бошқа юртларда юксак қадрланар экан.

Шундан сўнг мен Ғайратий билан боғлиқ материалларни чуқурроқ ўргана бошладим. Буни қарангки, бениҳоя камтар ва камсуқум бўлиб кўринган бу одамнинг ҳаёти баайни зўр саргузашт филмлардагидек бир-бирини алмаштириб турган ғаройиб воқеаларга, парвозлар ва тушишларга, кескин драмаларга ва ҳатто фожеаларга тўла бўлган экан

Туғилган куниёқ ўлимга маҳкум қилинган чақалоқ тўғрисида эшитганингиз борми? Ғайратий дунёга келиши биланоқ ана шундай мудҳиш қисматга рўпара келган. Унинг қотили отаси бўлмоғи керак эди. Гап шундаки, Ғайратийнинг онаси кўз ёраётиб нобуд бўлган. Хотинини жонидан ортиқ яхши кўрган ота алам ичида ўзини йўқотиб қўйиб, фожеанинг сабабчиси деб янги туғилган фарзандини билади ва уни чопиб ташламоқчи бўлади. Азага келган маҳалла аёллари чақалоқни бир амаллаб олиб қочадилар. Ота бу мудҳиш фожеа рўй берган уйдан бутунлай бош олиб чиқиб кетади ва Қирғизистонга Тўқмоқ шаҳридаги қариндошлариникига кетиб, ўша ерда ўн икки йил қолиб кетади. Ғайратий эса маҳалладаги Ойимхон деган ярим уйғур аёлнинг қўлида қолади. Ойимхон меҳрини аямай етим қолган гўдакни ҳар томонлама парвариш қилиб, улғайтиради. Аммо у ҳар қанча ғамхўр ва меҳрибон бўлмасин, етимлик етимлик-да — Ғайратийнинг болалиги анча машаққатлар ва хўрликлар ичида кечади.

1914 йилда ота Тўқмоқдан Тошкентга қайтади ва ўтган ишлар учун ўғлидан кечирим сўрайди. Уруш даврининг қийинчиликларига қарамай, ота-бола иноқлик билан турмуш кечира бошлайдилар. Ёш Ғайратий ўқиб, савод чиқариш имконига эга бўлади. Ўқиш жараёнида Ғайратий шоирлик истеъдодига эга эканлиги маълум бўлади. У



шеърлар ёза бошлайди, орадан кўп ўтмай яқин ўтмишда ўзи бошидан кечирган етимлик машаққатлари, сарсон-саргардонлик ҳақида достонлар тўқийди. Илк достонлари жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинади. У Ғафур Ғулом ва бошқа шоирлар билан дўстлашади. Унинг уйига келиб турадиган қаламкашлар орасида Абдулла Қодирий ва Чўлпон ҳам бор эди. Кейин адабий ҳаётда фавқулодда ҳодисалар юз беради-ю Ғайратийнинг ижод борасидаги беқиёс парвози бошланади.

1925 йилда РКП (б) Марказий Қўмитасининг "Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида" деган қарори чиқади. Албатта, бу қарор ҳам бошдан-оёқ синфий кураш руҳи билан суғорилган эди. Партия зоҳиран адабиётдаги гуруҳбозликларга қарши курашаётган кўринса-да, аслида "буржуа адабиёти", "дворянлар адабиёти", "деҳқонлар адабиёти", "зиёлилар адабиёти" деб адабиётни майда қисмларга ажратиб ташлаган ва улар ўртасида муттасил синфий кураш бўлишини тасдиқлаган эди. Бу муросасиз курашда йўқсуллар адабиёти гегемон бўлмоғи керак эди. Ўша давр мафкурасининг талабига кўра, пролетар ёзувчиси келиб чиқишига кўра ишчилар синфи билан боғлиқ бўлмоғи керак эди. Ғайратий ишчи оиласида туғилмаган эди, аммо у Тошкентнинг Дегрез маҳалласида таваллуд топган эди. Бу маҳаллада косиблар, ҳунармандлар яшарди. Шунинг учун ҳам Ғайратийни "пролетар шоири" деб эълон қилишди ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бошланди. У пролетар ёзувчилар уюшмасига қабул қилинди ва қисқа муддатда унинг пешқадам намояндаларидан бирига айланди. Ўз-ўзидан равшанки, пролетар адабиётининг аравасига тушган одам унинг чилдирмасига ўйнаб, унинг қўшиғини куйламоғи лозим эди. Шунинг учун бу йўлга қадам қўйган ижодкор завод-фабрикаларни, уларнинг вағир-вуғурини, цехларнинг шовқинини, мўрилардан чиққан тутунларни, вагранкалару сеялкаларни тасвирламоғи керак эди. Фақат ўзбек шоирлари эмас, бутун Иттифоқ бўйлаб, ҳамма ижодкорлар шунга даъват қилинар ва шундай асарлар битган ижодкорлар рағбатлантириларди. Тузукроқ таҳсил кўрмаган, жаҳон адабиётининг кўп асрли тажрибаси билан пухта танишмаган Ғайратий бу сафсаталарга чиппа-чин ишонди ва "пролетарча" йўлда ижод қила бошлади. Натижада унинг ҳар бир достони, ҳар қайси шеърий тўплами олқишлар билан кутиб олинди, кўкларга кўтариб мақталди, бошқа тилларга таржима қилинди, китоблари ҳатто Москвада ҳам чоп қилина бошлади. Бу парвознинг энг баланд авжи шу бўлдики, 1934 йилда у шўро ёзувчиларининг 1-съездига вакил қилиб сайланди. Ўшанда Ўзбекистондан съездга атиги ўн бир киши вакил бўлганди. Булар — Ойдин, Алексеев, Ғафур Ғулом, Умаржон Исмоилий,Раҳмат Мажидий, Л.Е.Пинхасов, Зиё Саид, Назир Сафаров, С.Холдорова ва Ҳусайн Шамс эди. Ўша пайтларда Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Уйғун кабилар ҳақиқий истеъдод эгалари эканларини намойиш қилиб улгурган эдилар. Лекин уларнинг ҳеч қайсиси съездга вакил қилинмади. Ўзбекистондан борган вакиллар ичида ўша пайтда энг катта обрўга эга бўлгани, шубҳасиз, Ғайратий эди. Шунинг учун уни съезд ҳайъатига ҳам сайладилар. Ғайратий съезднинг охиригача — 15 кун Шолохов, Фадеев, Пастернак каби ёзувчилар қаторида ҳайъатда савлат тўкиб ўтиради. Эҳтимолки, бу кунлар унинг ҳаётидаги энг бахтиёр, энг тотли кунлар бўлган бўлса ажаб эмас.

Сўнгра... 1937 йил бошланди — мамлакат тарихидаги энг даҳшатли қора кунлар етиб келди. Мамлакатнинг гули бўлмиш, унинг ифтихорини ташкил қилувчи миллионлаб одамлар қамоқларга ташланди, Сибир сургунларига жўнатилди. Бутун мамлакат бўйлаб мудҳиш қатлиом қора тўрларини ёйди. Ғайратий бу даҳшатлардан омон қолди, аммо улар шоирнинг ички дунёсини, маънавий оламини ағдар-тўнтар қилиб юборди. Унинг шу пайтга қадар ишониб келган "ҳақиқатлари" сароб бўлиб чиқди. Сиғиниб келганлари буткул ёлғон экан. Бундай алданиш, ишончларнинг чил-парчин бўлиши, умидларнинг чиппакка чиқиши ҳар қандай одамни ҳам гангитиб қўяди. Мамлакатдаги бесаранжомлик бошқа кўпгина ёзувчилар каби Ғайратийга ҳам ёмон таъсир қилади. Ўзини тутқун ҳис қиладиган, тилига кишан урилган ижодкорнинг қўли ишга бормай қолишида ҳайрон қоладиган нарса йўқ. Буларнинг устига, оилавий ҳаётдаги нохушликлар қўшилиб, Ғайратийни янада тушкунроқ аҳволга солди. Ғайратий 20-йиллардаёқ бир муаллима аёлга уйланди. Бу аёл нафақат хушрўй, оқила эди, балки Ғайратийни чин дилдан ҳурмат қилар ва унинг ижодий иши учун ҳамма шароитни яратиб беришга ҳаракат қиларди. Бироқ бир неча йил турмуш қилсалар-да, улар фарзанд кўришмади. Шунда аёл ўз ихтиёри билан Ғайратийга бошқа оила қуришга розилик берди. Бунақа воқеалар ҳар қанча хушмуомалалик билан битмасин, барибир, юракда оғир чандиқ қолдиради. Ғайратий анча вақтгача бўйдоқ юради. Кейин қариндош-уруғларини кўргани Тўқмоққа боради. У ерда қариндош-уруғлари Ғайратийнинг бўйдоқлигини кўриб, уни қўшниларининг қизига рўпара қилишади. Қиз Ғайратийга маъқул келади ва унга уйланишга рози бўлади. Ўша пайтларда Ғайратий билан турмуш қуришга рози бўлган Шафоатхон эндигина ўн беш ёшга тўлган эди. Эру хотин ораларидаги катта фарққа қарамай аҳил ва иноқ турмуш кечира бошлайдилар. Орадан кўп ўтмай эгизак опа-сингиллар туғилади — уларга Ўлмас ва Сўлмас деб исм қўйишади. Бу орада Ғайратийнинг биринчи аёли ҳам уларникига келиб, уй ишларига қарашиб, эгизакларни боқишга кўмаклашиб туради. Эгизаклар уч ёшга тўлгач, Шафоатхон ва Ғайратийга ялиниб-ёлбориб, уларнинг биттасини сўраб олади ва уйига олиб кетади. Бироқ қизалоқ хасталаниб оламдан кўз юмади. Бундан жуда қаттиқ изтиробга тушган муаллима ҳатто шу қиз ҳам менга вафо қилмади дея куйиб, қайғуриб, қисматига тан беради ва Ғайратий хонадонидан оёғини тортади. Ғайратийнинг оилавий ҳаёти изга тушиб кетади. У аввалгидай иштиёқ билан бўлмаса-да, аста-секин ижод қилишда давом этади. Лекин энди у аввалгидай тарақ-туруқларга тўла асарлар эмас, чинакам инсоний мазмун билан йўғирилган шеърлар ёза бошлади. Унинг шеърлари кўпчиликка маъқул бўлади ва хонандалар томонидан қўшиқ сифатида кенг ижро этила бошлайди. Бу эса унга нафақат шуҳрат келтиради, балки бошига яна балоларнинг ёғилишига ҳам сабаб бўлади. Баъзи-бир мутасаддиларнинг санъат ва адабиётга қараши ғоятда чекланган бўлади. Улар "Санъат халқникидир" деган шиорни "санъат юқори рутбали амалдорнинг хизматкоридир" деб англашади ва санъаткорга, адибга шу тушунчадан келиб чиқиб муомала қилишади. Шундай мутасаддилардан бири Ғайратийга ўзи ҳомийлик қиладиган хонанда аёл учун қўшиқ матнини ёзиб беришни буюради. Ғайратий ғурури баланд инсон эди, у ҳар қанча қийин шароитда қолган бўлмасин, катталарга ялтоқланишни хоҳламасди. У мутасаддининг буйруғини бажармайди. Лекин Ғайратий "Ўйнашманг арбоб билан" деган доно мақолни унутиб қўйган эди. Мутасадди унинг ўзига ҳеч нарса демаса-да, бу гапларни ичига тугиб қўяди. Ҳа демай, Ғайратийнинг таъзирини бериш ва танобини тортиб қўйиш учун қулай баҳона ҳам топила қолади. Урушнинг бошланишида Ўзбекистонга кўчириб келтирилган яҳудий миллатига мансуб бир мутахассисни Ғайратий яшайдиган уйга жойлаштирган эдилар. Негадир, уларнинг орасидан қорамушук ўтиб қолади-ю, Ғайратий унинг миллатини камситадиган гап қилади. У одам шикоят қилади. Анчайин маиший можаро бўлган бу ҳодисага дарҳол сиёсий тўн кийгизадилар. Қарабсизки, атоқли шоирни миллатчиликда айблашади ва қамоққа олишади. Бунақа воқеаларнинг охири нима билан тугаши маълум эди,аммо бир неча йил аввал ёзувчиларнинг съездида орттирган дўстлари унинг жонига оро киришади. Ўша пайтда Тошкентда истиқомат қилаётган атоқли ёзувчи А.Н.Толстой ва Ўзбекистон ҳақида ажойиб роман ёзган украин ёзувчиси Иван Ле Ғайратийнинг катта хизматларини таъкидлаб, юқори ташкилотларга уни қамоқдан бўшатишларини сўраб мурожаат қилишади. Икки атоқли адибнинг илтимослари, ҳар қалай, ўз таъсирини кўрсатади ва Ғайратийни қамоқдан чиқаришади, лекин уни бутунлай оқлашмайди, аксинча, Тошкентда яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ҳозирги ТошГРЭС ҳудудида жойлашган, ўша пайтларда анча овлоқ жой ҳисобланган Ўнқўрғонга бола-чақалари билан бадарға қиладилар. Ғайратий бадарға йилларида қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилади. Бу йилларда у яна кўпгина жудоликларга учрайди, хўрликларни бошидан кечиради. У энг қалин дўстидан маҳрум бўлади — кунлардан бирида қишлоқ чойхонасига кирса, энг ишонган дўсти одамларга "Ғайратий билан муомала қилманглар, у синфий ёт унсур, халқ душмани" деб турганининг устидан чиқиб қолади. Бу уни қаттиқ изтиробга солади, одамларга бўлган ишончини заифлаштиради.

Аммо шоирни хўрлаган ва изтиробга солган нарса фақат яқин дўстининг хиёнати эмасди — бутун жамият гўё уни ўзидан нарига улоқтириб ташлагандай эди. Ҳамма газеталар ва журналларда унинг асарини босмай қўйишди, ҳамма нашриётларнинг эшиги унинг учун тақа-тақ ёпилди, радиода айтиладиган қўшиқлари олиб ташланди, китоблари таъқиқланди, номини тилга олиш мумкин бўлмай қолди. Ана шу зулматли кунларда унинг кўнглига умид солган бир тола нур ҳам бор эди. Ғайратий расмий доираларнинг рухсати билан Тошкентдаги Островский номидаги пионерлар саройида адабиёт тўгарагига раҳбарлик қилди. Тўгаракка қатнайдиган болалар ичида бир неча иқтидорлилари ҳам бор эди. Айниқса, Эркин Воҳидов ўзининг фавқулодда истеъдоди билан ҳаммадан ажралиб турар ва Ғайратий қалбида йиғилиб қолган ҳамма меҳрини унга бахшида этди. Кейинчалик Эркин Воҳидов Ғайратийнинг номини бир неча марта эҳтиром билан тилга олди ва ундан устоз сифатида кўп нарса ўрганганини таъкидлади.

Орадан йиллар ўтди... 1956 йилдан кейингина Ғайратийнинг бошидаги қора булутлар арий бошлади. У оиласи билан Тошкентга қайтиб ижод билан шуғуллана бошлади. У шеърлар, қиссалар ва ҳикоялар ёзди, бир қатор тўпламлар эълон қилди. Унинг кўпйиллик ижодий фаолиятини назарда тутиб, Ғайратийга "Ўзбекистон халқ шоири" деган унвон ҳам берилди. Лекин, барибир, аввалги кўтаринкиликдан, завқ-шавқдан, ғайратдан нишон ҳам қолмаган эди. Бир марта дарз кетган кўза ҳар қанча қадоқламагин, аслига қайтмас экан. 1973 йилда Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти унинг икки жилдлик танланган асарларини нашр этди. Унинг биринчи жилдига лирик шеърлар, "Ғурбатда Фурқат", "Шоир", "Ўлмас қўшиқ", "Оловли йилларда" каби достонлар киритилган. Иккинчи жилд эса "Бизнинг Ҳамза", "Бахмал қирғоқ", "Ёшлигим", "Оқин ҳукми" каби қиссалар ва ҳикоялардан таркиб топган. Ғайратий 1974 йилнинг 27 декабрида шу китобини менга "Ҳурматли Озодга муаллифдан эсдалик" деган дастхат билан тортиқ қилган эди. Яқинда — Ғайратий таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан мен бу китобни яна бир кўздан кечириб чиқдим, яна бир бор бу бетакрор, ўзига хос инсон билан Тошкентдаги учрашувларимни, Бишкек сафарида бирга ўтказган кунларимни эсладим. Чиндан-да бу камсуқум ва камтар инсон билан чақчақлашиш ўта мароқли эди ва айни чоғда гурунглар кишини маъюс ўйларга ҳам ғарқ этар эди. Ғайратий, шубҳасиз, катта истеъдодга эга эди. — У шўро замонида эллик йил давомида ўз асарлари билан халққа хизмат қилишга ҳаракат қилди. Аммо шўро ҳукумати унинг барча ширасини сўриб олгандан кейин, ўзини узум пўстлоғидай туфлаб ташлади. Илк қадамлариданоқ шўро мафкурасининг сохта назарияларига мубтало бўлиб қолган Ғайратий кейинчалик ижодда тўғри йўл излаган бўлса-да, уни ҳамма вақт ҳам топа олган эмасди. Ундан китоблар қолди, қобилиятли ва иқтидорли фарзандлар қолди. Айни чоғда Ғайратий адабий тўгаракда Эркин Воҳидовдек буюк шоирга адабиётнинг алифбесини ўргатди, уни катта ижод йўлига солиб юбордики, биргина шунинг ўзи учун Ғайратийни ҳар қанча эъзозласа арзийди. Шунинг учун ҳам бугун — Ғайратий таваллудининг юз йиллигида ижодий парвозларга тўла ва айни чоқда машаққатли, баъзан эса фожеали ҳаёт йўлини босиб ўтган, чархнинг ҳамма жабру жафосини тўла бошидан кечирган бу инсонни хотирлаб руҳини шод этайлик. Чунки у ҳар қанча оғир шароитда яшаган бўлмасин, инсоний ғururини йўқотмаган, манфаат йўлида истеъдодни эгри йўлга бурмаган бир инсон эди. У хушомадгўйлик ва маддоҳлик йўлига кирмади Имкони борича яхши ном қолдиришга интилиб ўтди. Оллоҳнинг раҳматлари ёғилсин унга!

## Дунё — кенг...

### БИР ОИЛАГА — БИР БОЛА

**Кейинги йигирма йил мобайнида Хитойда аҳоли сонининг кескин кўпайиб бораётгани билан боғлиқ муаммолар борасида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб, қирққа яқин лойиҳа муҳокама қилинди. Ниҳоят, "Демографая ва туғилишни режалаштириш тўғрисида"ги қонуннинг кучга кириши билан бу жараён бир тўхтамга келди.**

Аҳоли сони ниҳоятда кўп бўлган мамлакат учун бундай қонуннинг аҳамияти жуда муҳим ҳисобланади. Чунки Хитойда ўтган асрнинг бошлариданоқ туғилишни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни қўллашга киришилган эди. Ўша пайтда Хитой компартияси марказий комитети партия аъзолари ва комсомолларга "Очиқ хат" билан мурожаат этиб, "Бир оилага — бир бола" шиорини ҳаётга тадбиқ этишда намуна кўрсатишга даъват этганди. Ҳозиргача бу мурожаатдан руҳланган амалдорлар оилани режалаштиришни маъмурий чора-тадбирлар — турли хил қарорлар, буйруқлар орқали амалга ошириб келарди.

Йигирма йилдан кўпроқ вақт ичида қаттиқ демографик меъёрларни қўллаш орқали мамлакат аҳоли сони ўсишини бироз секинлатишга эришилди. Агар бу чора-тадбирлар қўлланмаганида ҳозиргача аҳоли сони яна уч юз миллионга кўпаярди.

Янги қонун Хитойдаги демографик вазиятга қандай таъсир қилишини вақт кўрсатади. Ҳозирда мамлакат аҳолиси 1,3 миллиардга яқинлашди. Демографларнинг тахминларига кўра, Хитой аҳолиси сони 2010 йилга бориб яна етти юз миллионга ортади. Бу кўрсаткич 2050 йили ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилади, яъни бир ярим миллиарддан ошади ва шундан сўнг аҳоли сонининг аста-секин пасайиш жараёни бошланади.

### УНУТИЛГАН «БОШЛОВЧИ» ШОИР

**Тарихда ўзининг мудҳиш кирдикорлари-ю, Сталин деган номи билан танилган Иосиф Жугашвили ёшлигида шеър машқ қилганига ишониш қийин. Бироқ у нафақат машқ қилган, балки ажабтовур шеърлари билан грузин адабиёти классиги Илья Чавчавадзенинг назарига тушган.**

Собиқ шўролар даврида унинг шеърлари босилмаган, бирор-бир мажмуага киритилмаган.

1949 йили Бериянинг ташаббуси билан "доҳий"нинг етмиш йиллигига бағишлаб, рус тилида шеърларини совға қилинадиган китобча тарзда чоп этишга ҳаракат бўлган ва бу уриниш яширинча тарзда олиб борилган. Бу ишга,ўта махфий тарзда, ўша даврнинг энг моҳир таржимонлари жалб этилган. Шеърларни грузин тилидан рус тилига ўгирган ижодкорлар орасида Б.Пастернак, А.Тарковский сингари машҳур шоирлар ҳам бўлган.

Ўша пайтда таржимани ўқиган, бироқ шеърларнинг муаллифи кимлигидан бехабар бўлган бир машҳур шеърий асарлар таржимони киноя қилибми ёки соддалик биланми: "Бу шеърларга Сталин мукофотини берса бўларкан", деган экан.

Бироқ шеърларнинг таржимаси айни қизғин бораётган бир пайтда: яширин ижодий фаолият дарҳол тугатилсин, деган қаҳрли буйруқ келади. Бу буйруқнинг ким томонидан берилганини тахмин қилиш, албатта, қийин эмас. Хуллас, "Сталин мукофотига арзийдиган" Иосиф Жугашвилининг шеърий иқтидори шу тариқа тақдирланмай қолади.

Унинг "шеърий машғулот"лари тўрт йил давом этган — 1893 — 1896 йиллар. Шеърларининг қўлёзмалари йўқолган. Инсоният тарихида ўзининг қора ишлари билан из қолдирган собиқ мустабиднинг ёшлигида поэзияга ишқибозлиги, ҳарқалай, одам табиатининг нақадар мураккаблигидан яна бир далолатдир.

### КИМ ҚАНЧА ИЧАДИ?

Спиртли ичимликларни истеъмол қилиш бўйича Венгрия жаҳонда биринчи ўринни эгаллайди. Бу мамлакатда аҳоли жон бошига бир йилда ўн тўққиз литр тоза алкоголли ичимлик тўғри келаркан. Бошқа мамлакатларда "ичиш" даражаси қандай?

Масалан, бу "соҳада" Россия иккинчи ўринда туради. Аҳоли жон бошига бир йилда ўн олти литр арок истеъмол этилади. Кейинги поғоналарни эса Португалия (14,7 литр), Германия (12,9 литр), Украина (12 литр), Испания (12,8 литр), Австрия (11,4 литр) банд этган. Люксембург (11,2 литр) ана шу етакчи "ароқхўрлар" рўйхатини якунлайди.

Хўш, "оқ ароқнинг қора ишлари" бўйича қандай "натижа"лар маълум? Россия давлат статистика қўмитасининг маълумотларича, россияликларнинг уч фоизи алкоголдан ҳалок бўлишаркан. АҚШда эса ҳар йили ароқдан заҳарланиб 500-600 киши ҳаётдан кўз юмади. Мутахассислар фикрича, спиртли ичимликлар савдосига зиён етказмаслик учун арок етказаётган зиёнлар атай камайтириб кўрсатиларкан.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Маҳмуд САЪДИЙ
Саҳифаловчи — Нодирбек ОРТИҚОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 770. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6365.